

Бухоро уламосини, асосан, икки фирмака таксим этиш мумкиндири. Бири Бухоро ва унинг теваракиндан тўпланиб тахсил килатурган бухорийлар, иккинчиси Бухоро хонлигининг Шарқ тарафиндаги Кўлоб деган тоглик ердан келган кўлобилар. Тарихи исломдакиси бани Хошим[1] бани Умавия[2] ўртасида бўлгани каби Бухоро уламоси ва кўлобилар орасинда эски бир даштлик[3] бордир. Бу душманликнинг бош сабаби хозирги Бухоро козикалони бўлган Бурхониддиннинг бобоси кози Садриддин Мулла Тўхмак ўгли[4] деган зотдир.

Кози Садриддин(дан) бурун бўлган Бухоро муллаларининг барчасига бир кўз караб хар бирига мустахик[5]буйдиги илмий мансабларни бера(р) эканлар, Мазкур Мулла Садриддин Мулла Тўхмак ўгли Бухорода козикалон ўлгач, иши тезлашиб кетган. Бу одам аввал Бухоронинг вакфларига ва бошка ишларига буюк хиёнатлар килган: халк устига «аминона»[6] деган бир солугки ёлгондан шаръий деб юклаган, кўб вакт ерларини, вакф окчаларини хукумат хазинасига оғдаррган, шу йўллар билан амирни(нг) ўзига тобеъ килиб олгандан кейин Бухоронинг ёгли мансаблари (ки) ўз кўлобиларига олиб берган.

Бу одам диний илмлардан (Куръон ва Хадисдан) бутун хабарсиз бир одам экан. Бир кун буюк бир илмий мажлисда Куръонни очиб сахифа бошиндаги сурадан ибтидоси бўлган «хамаси»[7] жумлайи шарифини «хам ишк» ўкудиги Бухоро уламоси орасинда машхурдир. Унинг бу холлари бухороли уламонинг нафратларига сабаб бўлди. Кози Садриддиндан неча йил кейин ўгли Бадриддин козикалон бўлди. Бу одам дахи отасининг йўли билан юра бошлади. Ўзи илмсиз бир киши эдуги учун маълумотли уламодан кўркар ва унларни иш бошиндан тушура эди.

Ўз кўлобилари орасиндан жохилларини сайлаб Бухоронинг буюк илмий мансабларини шунларга бера эди.

«Бухороли уламо» илмий мансаблардан маҳрум бўлдилар. Бухоронинг тубчаклари[8] бош кўтара олмай колдилар. Бадриддиннинг бу ишлариндан гайратли неча уламолар хаяжонга келдилар ва унга каршу бир варака чикардилар. Бу вараканинг бошинда гайратли уламолардан самаркандли мархум Муфти Бурхониддин турга эдилар. Кози Бадриддин ёлгон хабарлар чикориб, муфти Бурхониддинни Бухоро амирининг доимий газабига учратди. Муфти Бурхониддин шу илм билан дунёдан ўтди.

Бу зот ўрнига фирмака бошинда устодим мархум Охунд Мулла Гиёсиддин хазратлари ўтдилар. Мархум устодим диний ва шаръий илмлардан бошка илми калом ва эски юонон фалсафасиндин тамоман вокиф бир зот бўлуб, сўзга хам кўб уста эдилар. Шунинг учун кози Бадриддинни бош кўтарарга кўймас эдилар. Кўб вактлар кози Бадриддиннинг огуси билан амирнинг газабига учрасалар хам парво килмасдан ўз никобларига давом этиб, дунёдан ўтдилар.

Бу зотнинг ўрунларига кози Бадриддинга каршу бўлган фирмакининг бошига уч зот келдилар, бунлар мархум шайхулислом Бакохўжа хазратлари, мархум устодимнинг укалари Маснаф ва Бухоронинг олим козикалони бўлган кози Абдушукурнинг ўгиллари

Шарифхон махдум эдилар[9].

(«Хуррият», 1917 йил, 48-сон)

[1] Бани Хошим — Курайш кабиласининг Хошим ибн Абдуманнофдан тугилган фарзандлари, яъни унинг авлодлари бани Хошим номи билан юритилтан. Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) хам шу ургдан бўлиб, тўртинчи бўгинни ташкил килади (Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдумуталлиб ибн Хошим). Хошим ибн Абдуманноф ўглининг фарзанди Абдумуталлиб вафотидан сўнг уруг ичидаги ўзаро нифоклар кўчайиб кетади. Айникса, бани Хошим авлодлари билан Абу Суфён авлодлари ўртасида нифоклар кескин жангларга айланиб кетган. Бунинг биргина мисоли Бадр газотидир.

[2] Бани Умавия — Абу Суфён авлодларидан бўлиб, Пайгамбаримиз ва чахорёллардан сўнг халифаликка мушарраф бўлгаи Муовия ибн Суфёндир. У Ином Хасан истеъфосидан сўнг халифаликка мукаррар бўлган бўлса, халифаликда наслий сулолани расм килдирди (бунгача халифалик Пайгамбаримиздан бошлаб бир кишининг хакки эмас эди, мусулмонлар кимни сайлашса ўша халифа бўлар эди). Даствор, унинг ўгли Язид, сўнг Валид бинни Абд ал-Малик ва сулоланинг охирги бўгини Марвон бинни Мухаммад бўлган.

[3] даштилик — душманлик, нифок маъносида. Юкоридаги сулолалар ўртасидаги нифок каби бухоролилар билан кўлоблилар ўртасида хам нифок бўлиб, маълум маънода мана шу нифок XX аср бошларида Бухоронинг таназзуини келтирган сабаблардан биридир.

[4] Садриддин Мулла Тўхмак ўгли — Бухоронинг амир Музофариддин ва амир Абдулаҳадхон давридаги козикалонларида. Шу кишининг сайъ-харакатлари билан козикалонлик Бухорода наслий шакл олган. Шундайлардан бири унинг набираси Бурхониддин эди.

[5] мустахик — лойик, сазовор.

[6] аминона — Бухоро амирлигидаги соликлардан бир тури; ердан олинадиган солик бўлиб, вакф ерларида ташкари шаръий диний масалаларда фойдаланиш учун амирнинг хакки деб белгиланган соликлардан. Козикалон Садриддин даврида урф бўлган.

[7] Куръони каримнинг «Ал-Бакара» сурасидаги жумла.

[8] тубчак — туб ахолиси, асил бухоролилар назарда тутилади.

[9] Макола сўнгида «Бокияси (яъни давоми) бор» ибораси келтирилган. Бирок айни шу номдаги бошка макола чоп этилмаган.